

БХСРда таълим ва тарбия: маънавий баркамолликка эришиш йўлидаги тарихий тажриба

Шодмон Хайитов

БухДУ, “Тарих” кафедраси, тарих фанлари доктори

Камол Рахмонов

БухДУ, “Тарих” кафедраси, тарих фанлари номзоди

1920 йил 2 сентябрда Бухорода монархия тартиби ағдарилганидан сўнг, қисқа муддатда Файзулла Хўжаев (1896-1938 йй) бошчилигида нозирлар кенгаши ҳукумати тузилиб, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожланиши йўлида бир қатор истикболда хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинди. Жумладан, дастлабки кунларданок Бухоро Халқ Республикасида замонавий маориф тизимини вужудга келтириш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Бухоро Республикаси раҳбарлари илм олиш ва мактаб масаласига: «Маориф керак, чунки ҳеч бир мамлакат, ҳеч бир миллат ва ҳеч бир инқилоб маорифсиз яшамас, ўқимок учун мактаб керак, маориф керак китоб керак-булар ҳақиқат»¹-тарзида қарадилар.

БХСРнинг ҳукумат таркиби собиқ жадидлардан иборат бўлиб, улар аввал бошданок халқни саводли қилиш орқали жаҳолат ва қолоқлик ботқоғидан халос қилиш мумкинлиги тўғрисидаги орзу-умидларининг рўёбга чиқариш вақти етиб келди, деб ҳисобладилар. Мазкур мақолада БХСР ҳукуматининг дастлабки йилида ишлаб чиқилган ва «Бухоро ахбори» газетаси²да БХСР маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов ва мактаб шўъбаси мудирининг имзоси остида эълон қилинган «Мактаблар ҳақида умумий қоидалар»³ («Қоидалар») ва унинг ёш авлодни саводли ва маънавий комил қилиб тарбиялашга йўналтирилганлиги, тарихий тажриба тўғрисида имкон қадар фикр-мулоҳазалар билдирилади. Мазкур «Қоидалар» Бухорода амирлик тартиби тугатилганига кўп вақт бўлмай, яъни уч ой ўтар-ўтмас, 1920 йилнинг ноябрь ойи учинчи декадасида ишлаб чиқилганди. Ушбу ҳужжат матни билан танишар эканмиз, унинг «Умумий қоидалар», «Таълим-тарбия ишларига оид», «Мактаб идораси ҳайъати вазифаси», «Мактаб шўросининг вазифаси», «Мактаб ходимлари учун категориялар» каби бўлимлардан иборат эканлигига воқиф бўламиз.

«Қоидалар»⁴да амирлик замонида мавжуд бўлган эскича диний мактаб ва мадраса таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолини ёппасига саводини чиқариш масаласи кун тартибига қўйилади. Мактаб ишлари

¹ Бекбой. «Маориф ишлари теграсида» // Бухоро ахбори. . 55-сон. 1921йил 18 ноябр.

² “Бухоро ахбори” газетаси БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси матбуот органи бўлиб, 1920 йил 9 сентябрдан 1923 йил октябргача чоп этилган. Газета ўзбек тилида, ислоҳ қилинган араб имлосида, сарғиш рангли ўртача сифатдаги қоғозда, ҳафтада 1-2 марта, 1500-2000 нусхада чиқарилган. 1923 йил 16 октябрдан “Озод Бухоро” номида газета нашр қилина бошланган. Бу газета 1930 йил октябр ойигача чиқиб турган.

Газеталарнинг тўлиқ тахламлари бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (Ўзбекистон МДА) ва Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилояти марказий кутубхонасида сақланмоқда.

³ «Мактаблар ҳақида умумий қоидалар» // Бухоро ахбори. 10-сон. 1920 йил, 29 ноябр.

⁴ Бундан кейин мазкур ҳужжат “Қоидалар” деб матнда келтирилади.

хақидаги режада: 8-16 ёшли болалар учун ибтидоий (бошланғич-Ш.Х.,К.Р.) мактаблар очиш, саводсизликни тугатиш курслари ҳамда муаллим ва мураббийлар тайёрлайдиган махсус ўқув юртларини ташкил этиш кўзда тутилади. Матбуот саҳифалари орқали «Қоидалар» эълон қилинганидан кейин, бу зиёли жамоатчиликнинг муҳокамасига ҳавола қилинганлиги, бу борада мунозаралар авж олганлигига гувоҳ бўлинди.

Жумладан, ҳужжатда бошланғич мактабларда ўқув муддати 7-8 йил давом этиши қайд қилинган. Кейинчалик айнан шу масалада мунозаралар кучайиб кетади. «Бухоро ахбори» газетасининг бир қатор сонларида ушбу муддатни 4-5 йилга тушуриш билан боғлиқ таклифлар билдирилганлигига воқиф бўлинди. БХСР халқ маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов (1896-1965 йй): «Бухоронинг бошланғич мактабларида ўқиш муддатини Бекбой («Бухоро ахбори» мухбирларидан бири – Ш.Х., К.Р.) ўртоқ 4 йил бўлсун дейдур. Маориф назорати бу масалани обдон қараб чиқиб 6 ва 7 йиллик эмас, бошланғич ўқиш муддатини 5 йиллик ўлароқ қабул қилган эди»⁵, -деб ёзади. «Қоидалар»да эски мактабларни ислоҳ қилиш, янги мактаблар ишида мадрасада таълим берган муаллимлардан фойдаланиб туриш, қизлар мактабларини ташкил этиш, болалар боғча ва яслилари очиш, таълимнинг мажбурийлигини таъминлаш, ўқувчиларни ҳукумат ҳисобидан бепул овқатлантириш масалалари қайд этилади. «Қоидалар»нинг 1-бўлим 11-бандида: «Мактабларнинг ҳар қайсисида тарбия олмоқ билан бирга, болалар учун мумкин бўлган равишда ош, чой, кийим ҳам берилур»⁶ -деб ёзилган. Мактабларда болалар соғлигини назорат қилиш учун доимий тиббий назорат кўригини ташкил этишга диққат-эътибор қаратилган. «Қоидалар»нинг ушбу жиҳатлари билан танишар эканмиз, кўпгина масалалар бугунги кун таълим тизимида жорий этилган, амалий натижалар бераётган жараёнларга уйғун эканлигига шубҳа туғдирмайди.

Таълим-тарбияда «болаларни сўқмоқ, урмоқ, жазо бермоқ битирилиб, ўғит-насихат, танбех, ўртак кўрсатиш (ибрат-намуна)» усуллари қўллаш қоидаси кўрсатилган. Таълим «ахлокий, фаний, сиёсий (мафкуравий)» равишда бўлиши, ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 30-35 киши қилиб белгиланиши ёзиб қўйилган. «Қоидалар»да ўқувчиларга онгли тарбия бериш, таълим-тарбияни уйғунликда қўллашга эътибор қаратилган.

Хуллас, юқоридаги қайдлар ҳозирги замон руҳи билан ҳамоҳанг эканлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, таълимнинг шакллари, таълим-тарбия усуллари, ҳатто бир синфдаги ўқувчилар сони кабилар замонавий таълим тизими параметрларига мос келади. «Қоидалар» билан танишар эканмиз, бўлажак таълим-тарбия тизимида ахлокий масалаларга, маънавий баркамолликка алоҳида эътибор берилганлиги айниқса муҳимдир. «Мактабларда одоб-ахлоққа жуда аҳамият берилиб одобсизлик, тарбиясизликлар, тамаки тортмоқ, кимор, ошиқ уйинлари, бедана уйнамоқ

⁵ «Мубоҳаса» рукни. Қори Йўлдош. «Маориф ишлари тўғрисида» // Бухоро ахбори. 56-сон. 1921 йил 26 ноябр.

⁶ «Мактаблар хақида умумий қоидалар» // Бухоро ахбори. 10-сон. 1920 йил, 29 ноябр.

мактаб болаларига катъий мумкин эмасдур. Муаллимларга ҳам мактабларда тамаки тортмок мумкин эмасдур»⁷ -деб ёзилади хужжатда.

“Қоидалар” билан боғлиқ фикримизни давом эттирар эканмиз, Бухоро давлат университетининг 2011 йил 29 августида ўтказилган Илмий Кенгашнинг 1-йиғилишида тасдиқланган “Бухоро давлат университетининг одоб-ахлоқ қоидалари” номли хужжатнинг учинчи бўлим 3.13. қисмида: “БухДУда ҳар қандай ҳуқуқбузарлик содир этиш таъқиқланади, шу жумладан, тухмат қилиш, ҳақорат қилиш, жамоа аъзосига маънавий ёки моддий зарар етказиш мумкин бўлган маълумотни тарқатиш, тан жароҳати етказиш, фуқаролик муомаласидан чиқарилган воситаларга оид муносабатларга киришиш (ғиёҳванд моддалар, психотропик воситалар ва ҳоказо), ичкиликбозлик, кашандалик, маиший тинчликка тажовуз қилиш, жанжаллашиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйнаш катъиян ман этилади”⁸. Юқоридаги сатрлар устида мулоҳаза юритар эканмиз, бундан салкам юз йиллар олдин аждодларимиз миллий менталитетимиз ва ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган ҳолатларга нисбатан муросасиз бўлганлигига имон келтирамиз.

БХСР маориф нозир Қори Йўлдош Пўлатов ва мактаб шўъбаси мудир имзоси остида эълон қилинган «Мактаблар ҳақида умумий қоидалар»дек хужжат Бухоро жадиidlарининг 1908 йил октябрда Саллоҳхўжа кварталда очилган биринчи жадиd мактаби «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси») мактабида ҳам амалда бўлганлигини таъкиdлаб ўтиш жоиздир. Мактабда таълим оладиган ёш жадиdлар ахлокий пок бўлиш, вино ичмаслик, ўз сўзига туриш, маорифга садоқат, ўз шахсий манфаатларидан жамият манфаатларини устун қўйиш каби хислатларга эга бўлиш учун қасам ичган эдилар⁹. «Қоидалар»нинг «Мактаб идораси хайъати таълимия вазифаси», «Мактаб шўросининг вазифаси» каби бўлимларида маориф тизими раҳбарларининг вазифалари баён қилинади. Мактабларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, дарс жадвалларини тузиш ва ўқув жараёнини уюштириш, мактабнинг моддий-маънавий базасини мустаҳкамлаш, яхши педагог мутахассисларни танлаш каби кенг миқёсдаги вазифалар раҳбарият зиммасига юкланади. «Мактаб мудирлари мактабни идора қилгонлари учун 25 фоиз ортиқ олурлар, ҳафтасинда 12 соат дарс берурлар» -деб ёзилган. «Қоидалар»нинг «Мактаб ходимлари учун категориялар» бўлимида ўқитувчи мураббийларга маош тўлашда уларнинг малакаси, маълумоти, иш тажрибасига қараб йўл тутилиши таъкиdланган. «Мактаб ходимларига 3 категория ва 5 даража орасинда мояна берилур, яъни 8000 сумдан 6000 сўмга қадар.

1нчи даража 8000 сўм.

2нчи даража 7500 сўм.

⁷ Ўша манба.

⁸ Бухоро давлат университетининг одоб-ахлоқ қоидалари. Бухоро-2011. –Б.7. (ўзбек ва рус тилларида).

⁹ Каранг. Эргашев Б.Х. «Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате» Т. «Фан»-1991г. –С.52.

3нчи даража 7000 сўм.
4нчи даража 6500 сўм.
5нчи даража 6000 сўм».¹⁰

Биринчи даража билан бешинчи даража ўртасида фарқ 2000 сўм бўлиб, бу тарзда масаланинг қўйилиши муаллим ва мураббийларни ўз педагогик маҳоратини орттиришга, таълим-тарбия беришдаги касбий қобилиятларини янада такомиллаштириб боришларига туртки берарди. Бугунги кунда маошнинг категориялар ва даражалар асосида тўланиши ўша давр тажрибасининг замонавий кўринишларидан бири эканлиги шубҳа туғдирмайди.

«Мактаблар ҳақида умумий қоидалар»даги бандлар билан танишар эканмиз, барча миллат вакилларининг таълим олишдаги тенглик ҳуқуқи, миллий урф-одатларни ҳурмат қилиш, болаларни ёш хусусиятларига қараб дарс соатларини белгилаш, ўқувчи ва ходимларга таътил бериш каби масалаларга атрофлича эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз. «Мактаблар ҳақида умумий қоидалар»даги вазифалар кўлами кенг ва ўша тарихий даврда бир қатор муаммоларни туғдириши табиий ҳол эди. «Бухоро ахбори» газетасининг «Қоидалар» эълон қилинганидан кейинги сонларини варақлар эканмиз, бу масалада фикримиз ўз исботини топади. «Маориф ишлари» рукнида берилган хабарларда мактабларда ўқитувчи-мураббийлар етишмаслиги, улар моддий-техника базасининг пастлиги, эскилик сарқитидан қутулмаган кишилар фарзандларини мактабга юбормай қўйиши, Бухоро ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатлар (Истиклолчилик ҳаракати) туфайли ўқув жараёни ҳамма жойда ҳам узлуксиз давом этмаганлигидан хабардор бўламиз. «Бухорода ҳозирги кунда очилмоқда бўлган мактабларга етарлик миқдорда ўқитувчилар таъмин этилган эмас, етарлик миқдорда мактаб асбоби: қалам, қоғоз ва бошқа нарсалар ана шу даражада оздур... Туркистон, Ички Русия (Россия - Ш.Х.,К.Р.), Кавказдан (Озарбайжондан - Ш.Х.,К.Р.) келтирилган ўқитувчилар моддий аҳволлари яхши эмаслиги туфайли қайтиб кетаяптилар»¹¹ -каби хабарларни ўқиймиз газета саҳифаларидан. Мамлакатда иқтидорли маориф ходимлари озлиги маънавий жиҳатдан баркамол бўлмаган шахсларни ўқитувчиликка қабул қилишга мажбур қиларди. Ўқитувчи ва катта ёшли ўқувчиларни ҳарбий хизматдан озод қилиш, уларга имтиёзлар бериш ҳам вазиятни ўнглай олмади. Шунга қарамай, «Қоидалар»ни ҳаётга тадбиқ қилиш учун БХСР ҳукумати: «Хар бир куч билим учун», «Барча нарса билим учун» шиорларини ўртага ташлади. Маориф соҳасидаги ишларнинг сифатини кўтариш мақсадида «бир олсак ҳам ош яхши!» тарзида иш кўришга интилдилар. Маориф тизимида 1921-1922 йилларда бюджет танқислиги сезилганидан сўнг оз бўлсада, амалий ишларни бажариш сари йўл тутилди. «Бухоро ахбори»нинг сонларидан бирида: «Нима нарса керак десак, у нарса йўқдур, топилмас, шунинг учун маориф йўлида ишлаётган ҳар бир иш

¹⁰ «Мактаблар ҳақида умумий қоидалар» // Бухоро ахбори. 10-сон. 1920 йил, 29 ноябр.

¹¹ Азиззода Лазиз. «Хамма нарса билим учун // Бухоро ахбори». 30-сон. 1921 йил 5 апрел.

доираси кичик ҳажмда лозим бўлмоғи кўринадур. Негаким: «Эплай олмас зўр кўтармас, бу бир қонундур!»¹² -деб ёзилганди.

БХСР ҳукумати ўзининг тўрт йиллик тарихи даврида миллатимизни замонавий тараққиёт даражасига кўтариш учун барча чора-тадбирларни кўрди. Маориф ва фанни ривожлантиришга, жаҳонда ўз муносиб ўрнимизни эгаллашнинг тамойили деб қаралди. Кўпгина иқтидорли ёшларимизни хорижий мамлакатларга таълим олиш учун юборди.

БХСРнинг дастлабки кунлариданоқ ишлаб чиқилган «Мактаблар хақида умумий қоидалар» тарихий ҳужжатининг ўзида халқ маорифини юксалтиришга йўналтирилган орзу-умидлар акс эттирилган эди.

Афсуски, совет тузумидаги ноинсоний сиёсат, тоталитар тартиб миллатимиз жонқуярларининг истиқболли умидларини саробга айлантирди, ўзларини эса жаллод болтаси остига етаклади.

Республикамиз истиқлоли туфайли истаганимиздек маориф ва таълим тизимини шакллантираяпмиз. Ушбу хайрли ишимизда эса ота-боболар тарихий тажрибаси бизга кўп жиҳатдан асқотяпти.

¹² Бекбой. «Маориф ишлари теграсида» // Бухоро ахбори. 55-сон. 1921йил 18 ноябр.